



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iybar

156 u -son

Boğ‘ot shaharchasi

**Марҳум Бекиева Тўтининг турар жой
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида**

Боғот тумани “Саҳоват” маҳалласида яшовчи фуқаро Саидов Азимбой Ярашовичнинг марҳум бувиси Бекиева Тўтининг “Саҳоват” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 25 январдаги ШЯ-С-261-сонли аризасини, “Саҳоват” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 22 январдаги 158-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Саҳоват” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 82,41 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 2 (икки)та бўлиб, ички ўлчами 45,36 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 127,77 квадрат метр, қурилиш ости майдони 174,72 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан марҳум Бекиева Тўтига мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Марҳум Бекиева Тўтининг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Бекиева Тўтининг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев